

Халқ сўзи

Ўзбекистон - келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2008 йил 10 октябрь, № 198 (4608)


Жума

ИСЛОМ КАРИМОВ БИШКЕККА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари кенгаши ва Евроосий иқтисодий ҳамжамияти (ЕврАзЭС) давлатлари Давлатлараро кенгашининг мажлисларида, шунингдек, Марказий Осиё давлат раҳбарларининг учрашувида иштирок этиш учун 2008 йил 9 октябрь куни Бишкек шаҳрига жўнаб кетди.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

Парламентдаги муҳбиримиз хабар қилади.



Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг бир қатор вазирлик ва идоралар ҳамда тижорат банкларининг раҳбарлари иштирокидаги кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда 2009 йилги асосий макроекономик кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет сўбасининг асосий йўналишлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет лойиҳаси муҳокама қилинди.

Йиғин иштирокчилари мамлакатимизда амалга оширилаётган солиқ ва бюджет сўбаси иқтисодий ривожлантириш, модернизация қилишни рағбатлантириш, ҳўжалик юртуручи субъектлар ва аҳолининг даромад солиқларини пасайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, инвестиция ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашга қаратилган алоҳида таъкид қилинди. Айтилган 2010 йилгача аҳолининг реал даромадларини 2,5 бараварга ошириш мўлжалланаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Давлат бюджети лойиҳасида кўрсатилганидек, келгуси йилда Давлат бюджет даромадлари янги ички маҳсулотга нисбатан 22 фоизни, харажатлари эса 23 фоизни ташкил этади.

Давлат бюджети харажатларида асосий эътибор иқтисодий соҳани ривожлантириш, аҳолини манзилли иқтисодий қўллаб-қувватлашни таъминлаш, бюджет харажатларининг иқтисодий йўналтирилганлигини кучайтириш, иш ҳақи, стипендия ва аҳолига бошқа тўловлар бўйича харажатларни тўлиқ ва ўз вақтида молиялаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш, даромад солиқларини пасайтириш ҳисобига тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб бериш ҳамда кўпроқ янги иш ўринлари яратишга қаратилган анжуман иштирокчилари томонидан эътироф этилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Меҳнат ва иқтисодий масалалар қўмитасида келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджет лойиҳаси муҳокамасига бағишланган йиғилиши ўтказилди.

Унда келгуси йилда иқтисодий соҳага йўналтириладиган маблағ Давлат бюджетининг 56,5 фоизини ташкил этиши ҳамда у иш ҳақи, стипендия ва аҳолига бошқа тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, соғлиқни сақлаш ҳамда таълим тизимини янада ривожлантиришга йўналтирилиши таъкидланди. Жумладан, биргина Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мақtab таълимини ривожлантириш Давлат умумий таълим дастурига йўналтирилган маъмурий, келгуси йилда 18 та академик лицей, 119 та касб-унар колле-

жи, 66 та янги макtab фойдаланишга топширилиши айтилди.

Давлат бюджет лойиҳасига кўра, келгуси йилдан бошлаб яқна тартибдаги тадбиркорларнинг даромад солиқлари 30 фоизга, ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган корхоналарнинг даромад солиқлари эса 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилади.

Йиғилиши якунида муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилинди.

3. худойшукуров.

Мустақиллик — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажагимиз гаровидир

Халқаро кўргазма

Мустақиллик туфайли автомобиль йўлларининг сифати, давлат ва халқаро аҳамиятга молик транспорт магистралларини қуриш бўйича Ҳамдўстлик давлатлари ичда етакчилик қилаётган Ўзбекистон пойтахтида ушбу тадбирнинг ташкил этилиши рамзий аҳамиятга эга. Бинобарин, мамлакатимиз географик жиҳатдан Марказий Осиё минтақасининг марказида жойлашган эмасми, юртимиз транспорт салоҳиятининг юксалиши бевосита қўшни давлатлар коммуникация тизимининг такомиллашишида стратегик аҳамият касб этаётир.

Кўргазманинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари томонидан тармоққа алоҳида эътибор қаратилиб, йўл ва кўприклар қуриш ишлари ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани туфайли миллий транспорт коммуникациялари тобора ривожланиб бораётгани таъкидланди. Бугунги кунда республикамизда умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларининг узунлиги 42 минг километрдан ошиб кетгани бунинг яққол далилидир. Қувонарлиси, йўл қуриш ва таъмирлашда хайрли ишлар изчил давом эттирилмоқда. Маълумотларга қараганда, 2010 йилга бориб, олий тоифадаги автомобиль йўллари узунлиги 557 километрга, кўприклар ва йўлтуказгичларнинг узунлиги эса 2743 километрга узаётиши кўтилмоқда. Бу давр ичда 679 километр масофадаги йўллар реконструкция қилиниши ҳам кўзда тутилган. Буларнинг бари юк ва йўловчи ташини хажини республикамизда 60-70 фоизга, халқаро ва транзит бўйича 45-55 фоизга кўпайтириши имконини беради.

Уч кун давом этадиган бу галли анжуманда Германия, Россия, Қозғоғистон, Украина сингари хажонинг қўллаб-даватларидан

ЭЛГА ХИЗМАТ – ОЛИЙ ҲИММАТ

Кеча пойтахтимизда яна бир нуфузли анжуман — «Транспорт ва логистика — TransUzbekistan — 2008» 5-Халқаро Ўзбекистон кўргазмаси иш бошлади.



келган 20 га яқин компания ва фирмалар иштирок этмоқда. Улар ўзларининг замонавий транспорт воситалари ва технологиялари, контейнерлар юк ташини ва ахборот логистика тизимлари, энг янги инновацион ишланмаларини намойиш этишмоқда. Ўз навбатида, улар Ўзбекистон транспорт тизимининг ютуқ ва имкониятлари билан яқиндан танишмоқдалар.

Кўргазманинг биринчи кунги мароқли ўтди. Тадбир давомида

томонларнинг мамлакатимиз ва минтақа транспорт йўлаклари инфратузилмасини ривожлантиришга хизмат қилувчи яна кўплаб битим ва келишувларга эришиши, шубҳасиз.

Саид РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» муҳбири, Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

ҲИНДИСТОН ОММАВИЙ КОММУНИКАЦИЯЛАР ИНСТИТУТИДА ЎЗБЕКISTОН ТАҚДИМОТИ

Демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуриш журналистлардан муҳим вазифани бажариши — аҳолини тезкор ва холис ахборот билан таъминлашни талаб этади. Оммавий ахборот воситаларини замонавий технология ва техникалар билан жиҳозлаш уларга воқеаларни бевосита ва тезкор ёритиш, кишиларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш имконини беради.

Бундан ташқари, рақамли ахборот технологияларини жорий қилиш дунё ахборот жамиятига интеграция жараёнининг тезлаштиришда ҳамда халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш учун кулай шарт-шароитлар яратди.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги кўплаб ёш журналистлар учун чет давлатлардаги қатор ўқув марказларида ва оммавий ахборот воситаларида касб маҳоратини ошириш, ҳорижий ҳамкасбларининг илғор тажрибаларини ўзлаштириши имконияти мавжуд.

Ҳиндистон оммавий коммуникациялар институти (Indian Institute of Mass Communication) ана шундай ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади.

Унда ҳар йили дунёнинг турли мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистондан оммавий ахборот воситалари ходимлари ҳам ўз маҳоратини ошириб кайтишмоқда.

Бундан ташқари, рақамли ахборот технологияларини жорий қилиш дунё ахборот жамиятига интеграция жараёнининг тезлаштиришда ҳамда халқаро ахборот ресурсларидан фойдаланиш учун кулай шарт-шароитлар яратди.

Ҳиндистон оммавий коммуникациялар институти (Indian Institute of Mass Communication) ана шундай ўқув даргоҳларидан бири ҳисобланади.

Биз ва дунё

Ҳиндистоннинг етакчи ахборот агентликлари ва газеталари, теле ва радиопрограммалари таъриблари билан яқиндан танишди, замонавий технологиялар билан ишлаш таърибларини ўзлаштириди.

Журналист кадрлар тайёрлашга ихтисослашган мажмура ўқув муассасаси 1965 йилнинг августида Ҳиндистоннинг ўша даврдаги ахборот ва телерадиозинтиришлар вазири Ин-

дир Ганди хоним ташаббуси билан ташкил этилган. Ҳозирга қадар бу ўқув масканда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатидан келган минглаб журналистлар малака оширди.

Ҳиндистоннинг етакчи ахборот агентликлари ва газеталари, теле ва радиопрограммалари таъриблари билан яқиндан танишди, замонавий технологиялар билан ишлаш таърибларини ўзлаштириди.

Журналист кадрлар тайёрлашга ихтисослашган мажмура ўқув муассасаси 1965 йилнинг августида Ҳиндистоннинг ўша даврдаги ахборот ва телерадиозинтиришлар вазири Ин-

дир Ганди хоним ташаббуси билан ташкил этилган. Ҳозирга қадар бу ўқув масканда дунёнинг 100 дан ортиқ мамлакатидан келган минглаб журналистлар малака оширди.

И. ШАРАПОВ, «Жаҳон» АА. Деҳли

Менинг Конституциям

Маълумки, мулкдор бўлиш ҳар бир шахснинг конституциявий ҳуқуқидир. Ушбу ҳуқуқнинг конституциявий кафолатлари жамиятда шахс омилини улуғлаш баробарида мустақил давлат тарққийти учун хизмат қилади.



Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли

бу Асосий Қонунимизда кафолатланган

Президентимиз таъкидлаганидек, «Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодий таркибда давлат, корпоратив ва хусусий мулкчилик тенглиги, айти пайтда хусусий мулкнинг устуворлиги аниқ белгилаб қўйилгани давлатимизнинг сийсий ва иқтисодий тизимини, биз барпо этаётган жамиятнинг маъно-маъмунини аниқ ва равшан кўрсатиб беради. Дунёда кўпгина тарққий этган, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар таъриблари шундан далолат берадики, аввало ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа бу бойлиқни янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишга ўз ҳиссасини қўшади. Ва энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва оқилолликни сақлаш ва ҳимоялашга астойдил жон кўйдиради».

(Давоми 2-бетда).

Мамлакат бўйлаб

Сайёрамизда бўй бераётган иқлим ўзгариши билан руҳий экологик муаммолар атроф-муҳит ва инсон саломатлигига зарар етказиши баробарида, аҳолининг ичимлик сувига бўлган эҳтиёжини ҳам тобора оширмоқда. Бу мавжуд ер ости чуқуқ сув манбаларини асраб-авайлашни, янги захираларини излаб топишни ва ўзлаштиришни, обихайт ресурсларни ифлосланишининг олдини олишга йўналтирилган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этишни тақозо қилаётир.

Сув захиралари доимий эътиборда

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар давлат қўмитасига қарашли Гидрогеология ва инженерлик геологияси илмий тадқиқот институтида кургоқчилик шароитида қишлоқ аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш борасидаги долзарб вазифаларга бағишлаб ташкил этилган илмий-амалий анжуманда ана шу ҳақда гап борди. Унда тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олимлар ҳамда мутахассислар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси геология ва минерал ресурслар давлат қўмитаси раиси Н. Мавлонов Президентимиз Ислам Каримов раҳамомлигида жамиятимизнинг барча жаҳаларида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида табиий ресурсларни тежаш, атроф-муҳитга салбий таъсирларни камайтириш, ривожланишга хизмат қиладиган илм-фан янгиликларидан оқилона фойдаланиш ва халқимиз туриш фаровонлигини янада оширишга қаратилган эътибор ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

Саккиз мингта янги иш ўрни

«Бухоротекс» ҳиссадорлик жамиятида «ДЭУ текстиль Бухоро» корхонаси ташкил этилди. Янги корхонага Жа-нубий Кореянинг «ДЭУ Интернейшл» компанияси асос солди.

Вилоятда тўқимачилик саноатига ҳориж сармоясини жалб этиш бўйича қатор ишлар амалга оширилмоқда. Чунончи, «Мергантекс», «Когонтекс», «Вобкентекс йигирувчи», «Турхал Работикозитекс» корхоналарида қалава иш, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш билан яқин истиқболда саккиз мингта янги иш ўрни ташкил этиш режалаштирилган.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Хоразм вилоятида ёшларга ўз бизнесларини ташкил этишда молиявий ёрдам бериш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда.

Ёшлар тадбиркор бўлишди

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида коллежларни битирган йигит-қизлардан 125 нафари тадбиркорликка қўл урди. Вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш

бош бошқармасининг Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси томонидан уларга 141,5 миллион сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Ойбек РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Амударё туманида академик лицей ўз фаолиятини бошлади.

Яна бир академик лицей

Ушбу зиё масканини «Амударё қурилиш материаллари» ишлаб чиқариш ширкати бинокорлари қуриб, фойдаланишга топширди.

Айни пайтда академик лицейда 270 нафар ўқувчи аниқ, табиий ва ижтимоий-гуманитар фанлар ҳамда чет тиллари йўналишлари бўйича таҳсил олмоқда.

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИГА ИШОНЧ ОРТМОҚДА

2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида республикамизнинг тижорат банкларида аҳоли омонатлари аввалги йилнинг шу давридагига нисбатан

51,5

фоизга кўпайди.



Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

ЖАҲОН 24 соат ичида

Зарар кўрди

АҚШдаги пенсия жамғармалари сўнгги 15 ой давомида икки триллион доллар миқдорда зарар кўрди.

«Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги хабарига кўра, ушбу молиявий инқироз мамлакат аҳолиси турмуш тарзига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Айниқса, нафақадагилар пенсия пулларини олишда муаммага дуч келишлари тахмин қилинмоқда.

Тахлилларга қараганда, кейинги йилларда мамлакатда 45 ёшдан ошган ҳар бешинчи киши жамғариб бориладиган пенсия маблағини тўламаяпти.

19 нафари қўйиб юборилди

Сомалилик қароқчилар томонидан қарийб икки ой давомида гаровда ушлаб турилган Филиппинга тегишли кеманинг 15 нафар денгизчиси ҳамда тўрт нафар ишчиси қўйиб юборилди. Бу ҳақда «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги маълум қилди.

Манбада келтирилишича, қароқчилар ҳали 67 нафар денгизчини озод қилганларича йўқ.

Полицияга ҳужум

Чоршанба кuni Туркиянинг Дийрбакир шаҳрида полиция автобусига қуролли ҳужум уюштирилди, дейилади «Франс-пресс» ахборотида.

Маълумотларда айтилишича, автобусда полиция академияси курсантлари бўлган. Ҳунрезлик оқибатида беш киши ҳаётдан кўз юмди, 23 киши жароҳатланди.

Китоб-дафтар ўрнига компьютер

Италиянинг Турин шаҳридаги мактаблардан бирида тажриба тариқасида барча ўқув қуроллари ноутбук компьютерлари билан алмаштирилиб, амалда синаб кўрилмоқда.

Фалокат оқибати

«BBC News» маълумотларига қараганда, ташкилотчилар шу йўл билан таълим соҳаси харажатларини камайтиришга эришишмоқчи. Гап шундаки, айна пайтда Италияда бир ўқувчининг йиллик ўқув қуроллари учун 700 АҚШ доллари миқдорда маблағ сарфланади. Амалиётга таклиф қилинаётган «Oiiidata» русумидаги компьютернинг баҳоси эса 400 АҚШ долларига тенг. У бемалол ўқув қуроллари ўрнини босиши мумкин.

Эҳтиёт чораси сифатида ўқувчиларнинг ушбу компьютерлар орқали интернетга боғланишлари махсус дастур ёрдамида чеклаб қўйилади.

Нобель совриндорлари эълон қилинди

Швеция фанлар академиясида кимё йўналиши бўйича Нобель мукофоти совриндорлари номи эълон қилинди.

Унга кўра, ушбу нуфузли мукофотга америкалик Осаму Симомура, Мартин Чалфи ва Рожер Циен лойиҳа деб топилди. Олимлар яшил флуоресцентли оксиллар мавзусида тадқиқот олиб боришаётганлиги.

Айтиб ўтиш жоиз, жорий йилда Нобель мукофоти жамғармаси 10 миллион кронага тенг бўлди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

ИПОТЕКА BANK

«Ипотекабанк»
акциядорлик тижорат ипотека банкига
Халқаро «Moody's» рейтинг агентлиги томонидан
«БАРҚАРОР»
рейтинг даражаси берилди.

ИПОТЕКА BANK

2008 йил сентябрь ойида «Ипотекабанк» акциядорлик тижорат ипотека банкига «Moody's Investors Service» халқаро рейтинг компанияси томонидан банкнинг миллий валютадаги узоқ муддатли депозитларига «В1» халқаро рейтинг даражаси берилди.

Барча рейтинглар бўйича прогноз «БАРҚАРОР» деб белгиланган.

«Moody's» агентлигининг фикрига кўра, «Ипотекабанк» молиявий барқарорлик рейтингини банкнинг Ўзбекистон банк бозорида кўзга кўринган воситачиларидан бирига айланганидан далолат беради.

ЎзР МБнинг 74-сонли лицензияси

Наманган шаҳрининг «Беруний соҳили» даҳасида кийимларни кимёвий тозалаш мажмуаси бор. Бу корхона «Собитқадим» кўп тармоқли хусусий фирмаси иштирокида ўтандан сўнг иш вақти ўн соатга узайтирилди. Бундан, табиийки, мижозлар мамнун бўлдилар.

УСТАХОНАГА МИЖОЗ КЕЛДИ

Тартиб-интизом, ба- жарилган иш сифати учун кафолат — фаолиятимизнинг бош мезони, — дейди корхона бошлиғи Мукаддас Мамадалиева. — Мижозларимизга, айниқса, хизматимизнинг тезкорлиги маъқул тушяпти.

Жамолиддин Юсуббоев шаҳарда биринчи бўлиб рақамли суратга олиш шохобчасини очди. Япониянинг «Нарицу» компаниясидан 86 минг АҚШ доллари эвазига келтирилган мини-фотолабораторияда тайёрланган бадий ва ҳужжатли суратлар, таквим ҳамда бошқа кўргазмалар қуролларнинг сифати юқори. Мазкур «Барно» кўп тармоқли сурат ишлаб чиқариш корхонасида яқинда яна бир устaxonа — «Машиштехсоз» масъулияти чекланган жамияти иш бошлади. У хизмат маданиятини яхшилаш, аҳолига тез ва сифатли сервис хизмати кўрсатишга ихтисослашган.

Кудратилло НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ОФИЦИАЛЬНЫЙ ДИСТРИБЬЮТОР
ПРЕДЛАГАЕТ СО СКЛАДА В Г. ТАШКЕНТЕ
КОТЛЫ ЧУГУННЫЕ ОТОПИТЕЛЬНЫЕ «КЧМ»

РАБОТАЮЩИЕ НА ПРИРОДНОМ ГАЗЕ, ЖИДКОМ И ТВЕРДОМ ТОПЛИВЕ. СООТВЕТСТВУЮЩИЕ РОССИЙСКИМ И ЕВРОПЕЙСКИМ СТАНДАРТАМ. КПД ОТ 79 ДО 90%

а также:

КАФЕЛЬ
(облицовочный и напольный)
САНТЕХНИКА
(унитазы, умывальники в большом ассортименте)

ЧУГУННЫЕ ВАННЫ, ДУШЕВЫЕ ПОДДОНЫ
Тел.: 333-71-55, факс: 281-52-04
Торговый магазин ул. Уста Ширин, 125 внутри строительного рынка № 127
zakamsk-group@mail.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ХУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

2008 йил учун аспирантурага 24.00.00 «Шарқшунослик фанлари» мутахассислигининг қуйидаги йўналишлари бўйича кундузги бўлимга қабул эълон қилади:

24.00.01 — «Диншунослик назарияси»
24.00.02 — «Ислам тарихи ва манбашунослиги»
24.00.03 — «Ислам ҳуқуқшунослиги».

Ҳужжатлар 1 ноябрдан қабул қилинади.
Қириш имтиҳонлари 2008 йил 1 ноябрдан бошланади.

Керакли ҳужжатлар: Олий ўқув юрти ректори номига ариза, шахсий варақа, таржиман ҳол, иш жойидан тавсифнома, мутахассислик бўйича реферат, рефератта бўлган илмий раҳбар томонидан ёзилган тақриз, диплом ва баҳолардан нусха, паспорт ва меҳнат дафтарчасининг нусхаси, тиббий маълумотнома (Ф - У086), турар жойдан маълумотнома, расм (3x4, 4 дона), конверт, тезтиккич.

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Абдулла Кодирий кўчаси, 11-уй, 2-қават, 201-хона. Телефонлар: 244-00-91, 241-18-09.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА
ЭЪЛОНЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!
Республика Кўчмас мулк биржаси Хоразм вилояти филиали

нархлари ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган такрорий очик аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига Хоразм вилояти ҳўжалик судининг 2008 йил 21 июлдаги 3619-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилири бўлими томонидан хатланган, «Марказий машина трактор парки» ДАЖга қарашли бўлган, Урганч тумани, Ж. Мангуберди деҳқон-фермерлар уюшмасида жойлашган, умумий ер майдони — 1902,35 кв. метрни, шундан қурилиш ости ер майдони — 691,4 кв. метрни ташкил қилган маъмурий бино ва омборхона биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 67 980 000 сўм.
Аукцион савдоси 2008 йил 30 октябрь кuni соат 11.00 да Урганч шаҳри, Й. Бобо-жонов кўчаси, 23-уйда ўтказилади.

Савдога қўйилган мулк билан суд ижрочилири бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Хоразм вилояти филиалининг АТИБ «Ипотекабанк»-и «Тинчлик» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000700571452056, МФО: 00580, ИНН: 200933850.

Лицензия: ДВ 001 №000004

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8 362) 226-32-63, факс: 226-43-64.

РКМБ савдоларига ИШОНЧ доим мустаҳкам!

УЛЬЯНОВСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
«VOSTOK RUS AVTO» МЧЖ

Тошкентдаги омборхонадан Ульяновск автозаводидан ишлаб чиқарилган энгил ва юк автомобилларини ҳамда эҳтиёт қисмларини сотади.

Юк ташувчи УАЗ-3303.

Юк ва йўловчи ташувчи махсус УАЗ-39625.

Кўшимча кабинали УАЗ-39094.

Фургон УАЗ-3741, юк ортин учун хажмли УАЗ-3909, 4x4 MPV: микроавтобус УАЗ 2206, санитар автомашинаси УАЗ-3962 автомобилларини етказиб беришга буюртмалар қабул қилинади.

Шунингдек, кафолатли техник хизматлар кўрсатилади!

МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Тел./факс: 279-30-57, 279-30-58. Манзил: Тошкент ш., Бунёдкор шк., 27-уй.


SONATA **Ўз йўлингни танла!**

КАФОЛАТ — 2 ЙИЛ. МАХСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

HYUNDAI Official Partner
Тел.: 250-11-11.

Drive your way

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт • Sport



Бухорода бокс турнири

Бухоро шаҳридаги "Хумо" спорт мажмуасида бокс бўйича бир неча бор мамлакат чемпиони, кўплаб нуфузли мусобақалар ғолиби Фазлидин Уроқов хотирасига бағишланган халқаро турнир бўлиб ўтди.

1992-1993 йилларда тўғилган ёшлар ўртасида иккинчи бор ташкил этилган мазкур мусобақада мамлакатимизнинг барча вилоятлари ҳамда Қозғистондан жами 200 нафарга яқин боксчи ўзаро беллашди. Жанглари муваффақиятли ўтказган Фаррух Файзиев, Шаҳоб Зойиров, Восит Назаров, Шухрат Ғиёсов сингари қатор умидли боксчиларимиз хотира турнирининг бош совринини қўлга киритдилар.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Хайрия мусобақаси

Тошкентдаги "Истиклол" спорт мажмуасида "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Миллий паралимпия ассоциацияси ҳамкорлигида махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари ўртасида спорт мусобақаси ташкил этилди.

Унда пойтахтимиздаги 100,101,102,106-сонли махсус мактаб-интернатлари ҳамда кўзи оқиз болалар мактабининг жами 40 нафар тарбияланувчиси спортнинг волейбол, армрестлинг, шахмат-шашка ва стол теннис турлари бўйича мусобақалашдилар.

Мусобақа сўнггида унинг барча қатнашчиларига "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси дипломи ҳамда ҳимийларнинг эсдалик совгалари топширилди.

Абдулазиз РУСТАМОВ.

Пойтахтимиздаги "Пахтакор" ва МХСК стадионларида футбол бўйича ўсмирлар (U-16) ўртасида Осиё чемпионати қизгин давом этаёпти. Кеча чемпионатда гуруҳ босқичи учрашувлари якунланиб, чорак финалга йўлланма олган жамоалар номи маълум бўлди. Эътиборлиси, улар орасида Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ҳам бор.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз илк бор мезбонлик қилаётган ушбу йirik спорт анжумани ҳар жиҳатдан юқори савияда ташкиллаштирилгани билан мутахассису мухлислар эътиборини тортмоқда.

Қолаверса, ярим финалга чиққан тўртта жамоага кейинги йили Нигерияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатига йўлланма берилиши сабабли ҳам мусобақа мурасбасиз курашлар остида ўтаётди.

Агар ҳозиргача ўтган ўйинларни эсга оладиган бўлсак, Роберт Гай бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси гуруҳ босқичини муваффақиятли ўтказган. Ийгилигимиз биринчи турда Сингапур футболчиларини 7:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Аммо иккинчи тур-

ЖОЗИБАДОР ЎЙИНЛАР, АЖОЙИБ ТААССУРОТЛАР

да эронлик тенгдошларига кичик — 1:2 ҳисобида имконияти бой беришди. Халқувчи учинчи турда футболчиларимиз ўтган турдаги хатолардан хулоса чиқарган ҳолда, Бахрайн ўсмирлар терма жамоасини 2:0 ҳисобида доғда қолдириб, чорак финалга йўлланма олдилар. Қувончлиси, ўсмирларимиз Бахрайн футболчиларини мағлуб этган мамлакатимизнинг илк жамоаси бўлди. Эсингизда бўлса, бундан олдин миллий ва Олимпия терма жамоаларимиз айнан шу юрт футболчиларига имкониятни бой беришганди. Юртдошларимиздан Ойбек Толипов, Оятлала Муҳиддинов, Бобур Абдурахмонов, Аюбхон Ғафоров, Ак-



ромжон Бахриддинов ва Максими Уткиннинг ўйинлари ишқибозларга манзур бўлмоқда. "А" гуруҳида биринчи йўлланма барча беллашувлари муваффақиятли якунлаган Эрон футболчиларига насиб этди. "В" гуруҳида Жанубий Корея ва Сурия мамлакатлари футболчилари кейинги босқичга йўл олишди. "С" ва

"Д" гуруҳида ҳам кеча учинчи тур учрашувлари якунланиб, чорак финалчилар номи маълум бўлди. Унда қуйидаги натижалар қайд этилди: Хитой — Саудия Арабистони 1:1, Япония — Яман 1:2, Австралия — Туркманистон 6:0, БАА — Малайзия 3:2. Осиё чемпионати ўйинларига оид яна бир аниқлик. Жа-

барингиз бор, "Д" гуруҳининг биринчи турдаги Яман — БАА ўйинида қайд этилган 1:1 ҳисоби ОФКнинг Интизом қўмитаси томонидан бекор қилинди. Осиё футбол конфедерацияси расмий сайтдан олинган хабарда айтилишича, шу кунги Биришган Араб Амириклари таркибида майдонга тушган Абдулла Хадаф ал-Амирий саралаш ўйинларида иккита сариқ карточка олганди. Низомга мувофиқ, у финал босқичининг биринчи тур учрашувларини ўтказиб

юбориши лозим эди. Шу сабабли БАА футболчиларига техник мағлубият ёзилди. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш жоиз, БААда ўтказилган саралаш учрашувларида Тожикистон ўсмирлар терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллаб, финал босқичига йўлланмани қўлга киритган эди. Бироқ, ОФКнинг махсус комиссияси тожикистонлик футболчилардан бир нечтаси 16 ёшдан ошганилигини қайд этган ва шунга кўра йўлланма БААга олиб берилганди.

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Осиё чемпионати иштирокчиларидан айримларининг фикрлари билан қизиқдик.

Кеннет Чанг, Сингапур терма жамоаси аъзоси:

— Чорак финалга йўлланма олмаган бўлсак-да, юртингиздан катта таассурот билан қайтаёلمиз, Асосийси, қитъада кучли футбол мактабига эга мамлакат футболчилари билан куч синишти, катта тажриба орттирдик. Ўзбекистонда спортга, хусусан, футболга юксак эътибор берилётганининг гувоҳи бўлдик. Менга, айниқса, "Пахтакор" стадионидаги қўлайликлар маъқул келди. Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоасига кейинги босқичда омад тилайман.

Гаварчин Меҳраб, Эрон терма жамоаси футболчиси:

— Ўзбекистон футболчи билан анчадан буюн танишман. Чунки, мамлакатларимиз миллий терма жамоалари, клубларимиз бир неча бор расмий ўйинларда майдонга тушибган. Айниқса, жорий йилги Осиё чемпионат лигасида Тошкентнинг "Бунёдкор" жамоаси "Сепакон" ва "Сайпа" жамоаларини мусобақадан чиқариб юборган, мамлакатимиз футболига қизиқишим янада ортди. Гуруҳда Ўзбекистон билан бўладиган учрашувга жиддий тайёргарлик кўрдик. Ва тенг курашлар остида ўтган ўйинда кичик фарқ билан ғалаба қозонишга муваффақ бўлдик.



Гуруҳ босқичидан кейинги вазият:

Table with 10 columns (Group, W, D, L, GF, GA, Pts) for Group A

Table with 10 columns (Group, W, D, L, GF, GA, Pts) for Group B



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

"С" гуруҳи:

Table with 10 columns (Group, W, D, L, GF, GA, Pts) for Group C

"Д" гуруҳи:

Table with 10 columns (Group, W, D, L, GF, GA, Pts) for Group D

Чорак финал учрашувлари 12 октябрь кунини бўлиб ўтади: "Пахтакор" стадиони. Эрон — Сурия. 16.00. "Пахтакор" стадиони. Жанубий Корея — Ўзбекистон. 20.00. МХСК стадиони. Австралия — Япония. 14.00. МХСК стадиони. Яман — Саудия Арабистони. 18.00.

Эвдулла ЖОНИБЕКОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Саломатлик — БЕБАҲО БОЙЛИК

— Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни яхшилашга бўлган эътибор, замонавий даволаш муассасалари ва диагностика марказларининг барпо этилиши — оналар ва болалар соғлигини асрашда муҳим омил бўлмоқда, — дейди Республика акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг Жиззах филиали директори, тиббиёт фанлари номзоди Нуриддин Шодмонов. — Жойларда ҚВПларнинг ишга туширилиши 300 минг нафардан зиёд туғиш ёшидаги аёллар соғлигини қатъий назорат қилиш имконини бераёпти. Мамлакатимиз Президентини томонидан шу йил июнь ойида қабул қилинган "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун тугма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш тўғрисида"ги қарорга мувофиқ, ҳимодлар аёллар ва чақалоқлар патологиясини барвақт аниқлаш борасида замонавий

имкониятлардан фойдаланишга эришмоқда. Бундан ташқари, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг вилоят бўлими ҳамкорлигида

Тиббиёт

2008-2012 йилларга мўлжалланган махсус дастур ишлаб чиқилди. Унга асосан, оналар ва болалар саломатлигини ҳар томонлама мустақамлаш, соғлом фарзанд туғилиши билан боғлиқ зарурий вазифалар белгиланиб, бу чора-тадбирлар республика илмий-тектириш институтининг Жиззах филиали зиммасига бирмунча масъулиятли юмушларни юкланди. Айни пайтда ушбу филиал "Саломатлик-2" дастури доирасида замонавий тиббий диагностика ускуналари билан жиҳозланмоқда. Тез орада тиббиёт муассаса-

си кардиомонитор, наркос жиҳозлари, парваришга мутож чақалоқлар учун мосламалар ва бошқа зарур лаборатория жиҳозлари билан тўла таъминланади. Шу кунларда вилоятда "Она ва бола" скрининг марказини ташкил этиш борасидаги муҳим чора-тадбирлар амалга оширилди бошлан. Хусусан, марказ учун биокимё анализаторлари, малакали мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли тизими йўлга қўйилди. Мухтасар қилиб айтганда, тиббий-ижтимоий соҳада рўй бераётган бундай янгиланишлар аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, халқимиз фаровонлигини янада яхшилаш, улайиб келаётган авлодни жисмонан етук шахс бўлиб камолга етишини таъминлаш мақсадида қаратилганлиги билан аҳамиятлидир.

Бахриддин САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Китобларимиз — ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА-ЯРМАРКАДА

Туркманистоннинг Ашхобод шаҳрида бошланган учинчи халқаро нашриёт махсулотлари ва китоб кўرғазма-ярмаркасида жаҳоннинг йигирма икки давлати, жумладан, Ўзбекистоннинг нашриёт-матбаа соҳасидаги салоҳияти кенг намойиш этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислам Карийёв ташаббуси билан мамлакатимизда матбаа соҳасини жадал ривожлантириш, мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни мустақамлаш ва кучайтириш, соҳага хориж сармоясини жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Матбаа корхоналари, нашриёт-матбаа-ижод уйларининг моддий-техник базасини мустақамлаш, мутахассисларнинг касб малакаси ва маҳоратини ошириш, жаҳон андозлари даражасидаги матбаа махсулотлари ишлаб чиқариш юзасидан амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўз самараларини бермоқда.

Бундай эътибор ва гамхўрлик натижасида матбаачиларимиз ўз махсулотлари билан халқаро китоб-ярмаркаларида муваффақиятли иштирок этмоқда. Жумладан, Алишер Навоийнинг

Фафур-Ғулум номидagi нашриёт-матбаа ижодий уйи томонидан чоп этилган «Хамса» китоби 2008 йили Москва шаҳрида бўлиб ўтган халқаро китоб кўрғазма-ярмаркасида олтин медаль билан тақдирлангани, жорий йилнинг июнь ойида Россия пойтахтида ўтган «Китоб санъати» бешинчи халқаро танловида юртимизнинг нашриёт-матбаа ижодий уйларида чоп этилган қатор китоблар совринли ўринларга лойиқ топилгани бунинг тасдиғидир.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг ўзбекистондаги филиали, Ашхобод шаҳрида давом этаётган кўрғазма-ярмаркада "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, "Ўзбекистон", "Уқитувчи", Чўлпон, Фафур Ғулум номидagi нашриёт-матбаа ижодий уйлари, "Шарқ зийори" очик акционерлик жа-

мияти каби матбаа муассасалари нашриётларининг махсулотлари — китоблар, фото-альбомлар, журналлар, рисолалар, плакатлар намойиш этилмоқда. Ана шу ноширлик махсулотлари орасида "Ўзбекистон" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган "Замонавий Ўзбекистон миниатюраси", "Уқитувчи" нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган "Ўзбек болалар адабиёти антологияси", "Қобулнома", "Ўзбекистон Миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриётига босмадан чиққан "XX аср ўзбек шеърияти антологияси" каби китоблар кўрғазма-ярмарка иштирокчиларида, айниқса, катта қизиқиш уйғотмоқда.

Соҳа мутасаддилари, ноширлар, матбаачилар қатнашаётган мазкур кўрғазма-ярмарка доирасида иштирокчилар Ўзбекистонда матбаа соҳаси ривожини йўлда амалга оширилаётган кенг қўламли ишлоратлар билан ҳам атрофида танишиш имкониятига эга бўлмоқда.

Назозат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ЙЎЛ ЖАМҒАРМАСИ. Осиё тараққиёт банки иштирокида амалга оширилаётган «Минтақавий автомобиль йўллари ривожлантириш» лойиҳаси доирасида куйидаги мутахассислик бўйича танлов эълон қилади: АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ МУХАНДИСИ. Малака бўйича талаблар: Маълумоти: олий техник (автомобиль йўллари қуриш муҳандиси). Иш тажрибаси: 10 йилдан кам бўлмаган автомобиль йўллари лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш тажрибаси. Компьютерда ишлашни билиш (Word, Excel, Internet). Ўзбек ва рус тилларида эркин сўзлашиш ҳамда инглиз тилини билиш маъқулланади.

Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатингиз! Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг моддий-техника таъминоти бошқармаси қуйидагиларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш бўйича тендер ўтказилишини эълон қилади: • Мовий денгиз тўлқини рангли енгил аёллар куртқалари; • Қишки «соя» рангли камуфляж куртқалари; • Қишки «соя» рангли иссиқ ярим комбинезонлар; • Енгил калта ва узун эркалар оқ қўйлақлари; • Ут ўчирувчининг жанговар кийими (БОП-II) Манзил: 100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ш.Руставели к., 1-берк кўча, 1-уй. Талабгорлардан тендерда иштирок этиш учун таклифларни қабул қилишнинг сўнгги муддати — 2008 йил 10 ноябрь соат 17.00 гача. Маълумот ва тендер ҳужжатларини олиш бўйича ҳар кун соат 9.00 дан 19.00 гача қуйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (3712) 256-74-16, 281-43-72, 255-85-03. Факс: 8 10 998 (3711) 281-43-73. E-mail: umtvs@uzrak.uz, қўшимча маълумот қуйидаги сайтда жойлаштирилган: www.dgMarket.uz

РАТБ «Ғаллабанк» томонидан 6 ойлик муддат билан «Мукофот» номли омонат турига маблағлар қабул қилинмоқда. Омонатга маблағлар 2009 йил 1 январгача қабул қилиниб, уларга йиллик 18 фоиз миқдорда устама ҳисобланади ва омонат қўйилган куннинг ўзидаёқ тўлаб берилди. «Ғаллабанк» — хонадонингизга барака келтирсин! Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (+99871) 232-71-72, 236-74-30, 232-15-89. www.gallabank.com. Омонатлар «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш жамғармаси» томонидан кафолатланади. Тошкент Тиббиёт академияси ректорати, касба уюшма қўмитаси Факультет ва госпиталь терапия, шарқ табиоти, тиббий профилактика факультетининг ички касалликлар кафедраси доценти, тиббиёт фанлари номзоди Сейтбў Матчинова отаси. Худойберган МАТЧОНОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради. Самарқанд давлат меъморчилик-қуриш институти жамоаси институт профессори Акбарали Жабриева волидан муҳтарамаси. Бибисора АБДУСАТТОВ қизининг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

INTER-PRESS ОБУНА 119-0000, 119-8383, 155-0955. Газеталар, журналлар, китоблар. Тошкент ш., Навоий к., 13 e-mail: book@interpress.uz www.interpress.uz

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қорғоз бичими А—2. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида тервалди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.00 Топширилди — 23.10 1 2 3 4 5 6 8